

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 244 (10.549)

2005 ЙИЛ 19 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан унинг мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш дастурини тайёрлаш мақсадида:

1. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси иловага мувофиқ ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев): вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун киритсин; республиканинг етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ни жалб этган ҳолда, дастурни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳини ташкил этсин.

3. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини шакллантиришда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари аниқ белгилаб қўйилсин ва кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратил-

син: мамлакатимизда ҳомийларнинг мақоми ва ижтимоий нуфузини мустаҳкамлаш бўйича зарур қонуний-ҳуқуқий базани яратиш, ҳомийлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш учун зарур имтиёзлар бериш;

пировард натижада аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қиладиган тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шартини шакллантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини кўтаришга йўналтирилган меҳнатни рағбатлантиришнинг янги тизимини жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги, биринчи навбатда қишлоқ жойларидаги тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, уларни замонавий диагностика ва тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда жойлардаги маҳаллий ҳокими-

ят органлари, нодавлат хайрия ташкилотлари ҳамда халқаро молиявий ва инсонпарварлик ташкилотларининг маблағларини жалб қилишни назарда тутган ҳолда Дастурни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаш;

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг мақсади ва аҳамиятини, шунингдек муҳтож фуқаролар ва оилаларга меҳр-муруват ва саховат кўрсатганларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий нуфузини ошириш бўйича аҳолининг кенг қатламлари ўртасида, айниқса, маҳаллалар ва оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама тўшунтириш ишларини амалга ошириш.

4. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 16 декабрь

XVI саҳоси
Барча маълумотлардан
олинган сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруш органлари ҳамда Ахборот ва коммуникация технология масалалари қўмиталарининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Имидж, реклама, продакшн» мавзусидаги кўргазма ўтказилди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Экология ва саломатлик кўнларининг учинчи босқичи доирасида «Қурилиш комплекси ишчиларининг меҳнати ва саломатлигининг хавфсизлиги» мавзусида конференция ташкил этди.

● Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Нотиклик санъати» танлови ўтказилди. Унда мазкур институт талабалари билан биргаликда Тошкент Давлат педагогика университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд ва Бухоро Давлат университетлари талабалари ҳам қатнашди.

● Навоий шаҳридаги Болалар ижодиёти уйда анъанавий Мукаррама Турғунбоева номидаги ёш рақосалар республика кўрик танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Фаластин мухторияти Бош вазирини Аҳмад Курей мамлакатнинг кунун чиқарувчи олий органига ўтказиладиган сайловларда қатнашиш учун истёфого берди.

● 150 миң нафардан зиёд ироклик аскарлар ва полициячилар кўриқлаш хизматида жалб этилганлиги сабабли Ироқдаги парламент сайловлари нисбатан тинч ўтди ва унда аҳоли иштироки кўтилгандан анча юқори бўлди. Сайлов натижалари шу ҳафтада эълон қилинади.

● Франциянинг терроризмга қарши кураш бўлинмаси «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги етакчиси Абу Мусоб Зарқавийга алоқадорлиқда гумон қилинаётган уч кишини қўлга олди.

● Германия ва Чехияда бир неча кундан буён давом этаётган қор бўронлари ҳар иккала мамлакатда фақуллодда ҳолатларни юзага келтирди. Хусусан, турли бахтсиз ҳодисалар оқибатида бир неча киши ҳаётдан кўз юмди, автомобиль йўлларидаги ҳаракат батамом издан чиқди.

ТОЙТАХТНИНГ
Дир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
Сўзлар

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг маърузаси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● **БУГУН** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда «Маънавият ва маърифат» марказининг Яқасарой туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Биз соғлом ва кучли оила» деб номланди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 9-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда 12-оилавий поликлиника ҳамкорлигида «Репродуктив саломатлик» мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди мактабнинг юқори синф ўқувчи қизлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларининг
хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2005 йил 16 декабрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил 7 декабрдаги тантанали йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатмаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ-227-сон ҳамда «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сон қарорларини бажариш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплекси кўриб чиқилди.

Мажлисида Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назоров, Молия вазири (Р.Азимов), Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазири (О.Обидов) ҳамда республика ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Мажлис кун тартибининг муҳима қилишда умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва директорлари, тиббиёт ходимларининг турли тоифалари вакиллари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари ҳудудий органлари раҳбарлари фаол иштирок этдилар.

Муҳокама давомида қайд этилганидек, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар стратегияси давлат республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишнинг бош ташаббускори ва қафли эканлигини белгилайди. 1997 йилдан бошлаб фуқаролар, болалар, оналар ва оилаларнинг фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган бир қанча мақсадли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Республикада 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди.

Республикада таълим тизими кадрлар са-

лоҳиятини тўдан яхшилашга, ўқитувчи ва тарбиячи касбининг роли ва нуфузини ошириш, уларнинг фаол касбий-ижтимоий фаолияти учун имкониятларни кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Масалан, 1 октябрь давлат байрами деб эълон қилинган. Мустақиллик йилларида 25,0 миңга яқин педагог ходим «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» фахрий нишони, 2900 нафардан ортқ педагог: ходим давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирланди, беш нафар ўқувчига «Ўзбекистон Кахрамони» юксак унвони берилди.

Кейинги йиллар мобайнида халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши таълим соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати амалга оширилишининг, педагогик фаолиятнинг, шунингдек педагог-мураббий ишлининг нуфузи ва ижтимоий мақомини оширишга жамият томонидан қатъ эътибор берилаётганлигини мантиқий давом ҳисобланади.

Қабул қилинган ҳужжат билан мактаб таълимидаги заиф жойлардан бири, хусусан, ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришнинг уларнинг иқтисодий, касбий фаилатлари улар меҳнатига ҳақ тўлашда ханузгача белгиланган мезонларга айланмаган мавҳуд тизими тугатилади. Амалдаги тариф ставкаларининг паст даражаси, қўшимча ҳақ белгилашнинг аниқ ва ошқора механизми мавҳуд эмаслиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намоеён бўлмаслиги ва мактаблар педагогик салоҳиятининг пастайишига олиб келди.

Давоми 2-бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Қабул қилинган қарорда ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга, умумтаълим муассасаларининг иқтидорли, ўз касбига садоқатли ходимларини моддий рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмни жорий этишга, уларнинг масъулиятини оширишга ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг уйғун камол топтириш жараёнига шахсий ҳиссасини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Куйдагилар педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

иш ҳақини амалдагидан паст бўлмаган даражада сақлаб қолинишининг эмас, балки энг муҳими — унинг ўсишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини белгилашнинг ҳолис ва ошқора механизминини жорий этиш, амалдаги устамалар ва кўшимча ҳақни унификациялаш; мактабларнинг мустақиллигини

янада ошириш ҳамда директорлар ва педагоглар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини ҳолисона баҳолаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши натижасида бирорта ҳам ўқитувчи ҳозир олаётган маошидан кам маош олмайди. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш — бу тор доирадаги мақсад эмас, балки мақсад — педагогларнинг муносиб меҳнатига оширилган ҳақ тўлашнинг таъминлашдан иборатдир.

Нафақат бошқарув органлари раҳбарлари, балки республиканинг катта амалий тажрибага эга бўлган мактаблари директорлари ва ўқитувчилари масалани муҳокама қилишда қатнашган мажлисда халқ таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг жорий этилаётган такомиллаштирилган тизимининг бир қатор принципал ва муҳим устувор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи навбатда, кўп қиррали тарбия жараёни ўқитувчининг диққат-эътибори марказида бўлиши кераклиги таъкидланди. Негаки, педагогнинг ўқувчилар билан олиб борадиган симфдан ташқари ва тарбиявий ишлари натижалари жамиятда очик-равшан кўриниб туради. Шу муносабат билан методик марказлар ва кабинетлар, шунингдек уларнинг ходимлари ўқув жараёнини қотиб қолган қоидага айлантirmаслиги, аксинча, ўқитувчиларнинг ўқув дастурини баён қилишга ижодий ёндашувига кўмаклашиши керак.

Ҳақ тўлашнинг янги тизимиде Директор жамғармасидан ўқитувчиларнинг тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар белгилаш масалаларини ҳал этишда мактабларнинг мустақиллигини оширишга катта аҳамият берилган. Ҳар бир умумтаълим мактабиде ота-оналар кўмитаси вакиллари кенг жалб этилган ҳолда тузилган махсус комиссиялар ўшбу ишларни назорат қилишни таъминлашга даъват этилгандир. Халқ таълимининг бошқаруш ҳудудий органлари ўшбу комиссиялар фаолиятига аралаштишга ҳақли эмас.

Мажлисда халқ таълими тизими педагоглари ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини жорий этилиши ва иш ҳақи оширилиши улар меҳнатининг пировард натижалари учун улардан шахсий масъулиятни оширишни суъзсиз талаб қилиши таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев)га:

педагог ходимларнинг билимлари ва педагогик маҳорати, шунингдек аниқ иш натижалари асосида баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда уларга малака тоифалари бериш механизмини тартибга солиш буйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни;

педагог ходимлар ишининг самарадорлиги пасайган тақдирда уларнинг малака тоифасини пасайтириш механизмини жорий этишни;

ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинишини назарда тутган ҳолда ўқитувчиларнинг маълумоти даражасига талабларни ку-

чайтиришни таъминлаш тавсия этилди.

Бундан ташқари, 2006-2007 йиллар мобайнида халқ таълими муассасаларининг барча педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш ва унинг натижалари буйича ходимларга тегишли малака тоифаларини белгилаш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси қатнашчилари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини жорий этилиши билан боғлиқ вазифаларни ҳам муҳокама қилдилар. Мамлакатимиз Конституциясининг 13 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузада қайд этилганидек, республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ва мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Тиббий хизматлар сифатини ошириш, қишлоқ врачлик пунктларини шакллантириш, касалхона тарқалишининг олдини олиш учун зарур ташкилий ва амалий шарт-шароитлар

ифодадаги тиббиёт муассасалари амалиётчи мутахассислари иштирок этган ўшбу ҳужжатларнинг ҳамда республика Ҳукумати қарори лойиҳасининг муҳокамаси давомида алоҳида қайд этилганидек, давлат, жамият ва республика Президенти томонидан соғлиқни сақлашга ва тиббиёт ходимларига катта эътибор берилётганлиги улардан ўз малакасини, касбий маҳоратини муттасил ошириб боришни, ташқи кўйиш ва даволашнинг янги, янада замонавий методларини излаш ва жорий этишни, аҳолига кўрсатилаётган кўп соҳали тиббий хизматлар сифатини жиҳдий яхшилашни талаб қилади.

Ҳукумат мажлисида халқ таълими ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини 2006 йил 1 январдан бошлаб жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда, қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан вазирликлар ва идораларга аниқ топшириқлар берилди.

Хусусан, Халқ таълими вазири (Т.Жўраев), Соғлиқни сақлаш вазири (Ф.Назиров), тегишли ҳудудий органлар, умумтаълим ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари билан биргаликда барча тоифалардаги халқ таълими ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришга қатъиян янгича ёндашуви жорий этиш ишлари аниқ ташкил этилишини ва мувофиқлаштирилишни таъминлаш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимларининг янги базавий тариф ставкалари жорий этилиши ҳамда уларни моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш учун республика бюджетидан фақат 2006 йилнинг ўзидаёқ қўшимча равишда 160 миллиард сўм ажратилади. Ўшбу маблағлардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилиши, ходимларни моддий рағбатлантириш эса уларнинг малакасини, касб маҳоратини оширишга ҳамда мактабларда ўқув-тарбиявий жараёни сифатини яхшилашдаги шахсий ҳиссасини кучайтиришга кўмаклашиши гоъят муҳимдир.

Қаёбди муҳим ижтимоий соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини жорий этилишига доир қабул қилинган қарорларнинг амалда рўёбга чиқарилиши кўп жиҳатдан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг пухта ва ушшоққўқлик билан ишлашига боғлиқдир. Шу муносабат билан республика Ҳукумати мажлисининг қабул қилинган қарориде Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлирига халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги жорий этилаётган тизимини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди. Масалаларни муҳокама қилишда Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Мирзаев, Наманган вилояти Наманган тумани халқ таълими бўлими мудири Т.Хасанов, Ўзбекистон Қаҳрамони — Тошкент шаҳридаги 273-сон мактаб директори М.Исомтова, Қашқадарё вилоятининг Қамати туманидаги 51-сон мактаб директори Б.Жумақулов, сенатор — Тошкент шаҳридаги иختисослаштирилган 50-сон ўрта мактаб директори С.Ферасимова, Андижон вилояти Балликчи туманидаги 44-сон мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси И.Асқаров, Нукус шаҳридаги 9-сон мактабининг математика ўқитувчиси Н.Лавриненко, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридаги иختисослаштирилган 100-сон мактабининг тарих ўқитувчиси Ш.Ботиров, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Сағирин, Жиззах вилояти Фориш тумани марказий касалхонаси бош врачлари А.Бегиев, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош врачлари Б.Дадамухамедов, Қорақалпоғистон сил касаллиқлари касалхонаси бош врачлари С.Тигай, Республика кўз клиник касалхонасининг бош врачлари К.Валиева, Қўқон шаҳар туғуруқхона комплексининг бош врачлари М.Умарова қатнашдилар.

Республика Ҳукумати мажлисида муҳокама қилинган масалалар буйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Гендер тенглиги — меҳнат қилиш, билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиш каби соҳаларда эркаклар ва хотин-қизларга тенг имкониятлар берилиши демакдир. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуққа эгалиги, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий ҳолати, давлат қатъи назар, барчанинг қонун олдида тенглиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий белгиланган бўлиб келган. Асосий Қонунимизда ифода этилган ўшбу имкониятлар ҳаётимизда ўзининг ёрқин ифодасини топаётди.

Поётаҳтимизда гендер тенглигининг асосий тамойилларига бағишланган ўқув-семинарда шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда вазирликлар, идоралар, жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатини ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, давлат-ва жамият ҳаётида аёлларнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳужжатга мувофиқ, юртимизда аёлларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, оналик ва болалиқни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда хотин-қизларнинг фаолиги ва ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда тегишли вазирликлар, идораларнинг жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан узвий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова ва иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

яратилди, бу ўз навбатида аҳоли турмуш тарзини сезиларли даражада соғломлаштириш имконини берди. «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йилнинг ўзидаёқ 38 та янги касалхона фойдаланишга топширилди, 93 та тиббиёт муассасаси замонавий ускуналар билан жиҳозланди, 210 та янги қишлоқ врачлик пункти очилди.

Шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг лавозим маошлари кўпайтирилди, республика иختисослаштирилган тиббиёт марказларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор шакллари жорий этилди. «Ҳомилий ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йилда кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш зарур бўлади.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, аynиқса улар олаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш механизмининг бажарилаётган ишининг мураккаблик даражасига ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига аниқ ва бевосита боғлиқлигини таъминлаш бугунги кундаги устувор вазифа ҳисобланади.

Тиббиёт ходимларининг касб даражаси муттасил ўсиб бориши учун рағбатлантирувчи омиллар яратиш мақсадида «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Кўрсатиб ўтилган қарорда куйдагилар назарда тутилган:

биринчи — 2006 йил 1 январдан бошлаб лавозимлар ва малака тоифалари буйича янги, янада юқори базавий тариф ставкалари, шунингдек кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг ҳажми ва мураккаблиги даражасига қараб уларга тузатиш коэффициентлари белгиланган ҳолда муассасаларнинг тўрт гуруҳи буйича тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини амалга жорий этиш;

иккинчи — тиббиёт муассасаларининг барча тўрт гуруҳи буйича қўшимча ва устамаларни, шу жумладан иш стажини учун қўшимча ва устамаларни қайта кўриб чиқиш ва уларнинг янги тизимини яратиш;

учинчи — ҳар бир тиббиёт муассасасида 2006 йил 1 январдан бошлаб Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш назарда тутилган. Жамғарма маблағлари тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун; муассасанинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш учун сарфланади. Моддий рағбатлантиришнинг ҳар бир тури ўшбу муассасанинг раҳбари бошчилигида ва касоба уюшмаси ташкилоти вакиллари иштирокида махсус комиссия томонидан кўриб чиқилди ва ҳал қилинди.

Ўшбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги ҳамда Давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги махсус низомилар ишлаб чиқилган. Ўшбу низомилар тиббиёт муассасаларининг барча тўрт гуруҳи учун тўловлар мезонларини ва ҳисоблаб чиқиш методикасини белгилайди.

Кўллаб туман ва шаҳарларнинг турли то-

ЎЗА

Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида жорий йил ҳамда истиқбол учун белгилаб берилган устувор вазифалар амалда ўз тасдиғини топмоқда. Айниқса ўтган қисқа вақт ичида эски маъмурий-таксимоти тизими қонлиларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларини таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш борасида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида иқтисодиётнинг устувор йўналиши — тадбиркорлик ҳаракатига том маънода ашиш чироқ очилди десак муболага бўлмайди. Президентнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса иқтисодиётни эркинлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кескин бурилиш ясади дея тавсифлаш мумкин. Бугунги кунда мазкур ҳужжатнинг татбиқ этилиши юзасидан жойларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан назорат органлари томонидан жорий йилнинг тўртинчи чорага белгиланган ҳамда келгуси йил учун лойиҳалаштирилган режали текширувлар қайта кўриб чиқилиб, янги меъёрий талабларга мувофиқлаштирилди. Бундан ташқари, тадбиркорларга ушбу Фармон асосида улар учун яратилаётган янги имкониятлар хусусида тушунтириш ишлари давом этмоқда, шу жумладан мазкур масалаларга мутасадди ва ваколатли вакилларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари ҳам самара бермоқда. Куйида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши Юнусобод тумани ҳудудий комиссияси маъсул котиби Дониёр РИСБОЕВ мамлакатимиз Президентининг юқоридаги Фармонининг моҳияти ва аҳамияти хусусидаги фикрлари билан танишасиз.

Фармон ва ижро

ҲАМКОРЛИҚДА ИШ ЮРИТАЙЛИК

— Дарҳақиқат, кейинги пайтда республикаимизда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг барқарор фаолият юритиши учун катта қулайликлар яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони барча янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мантқий давом бўлиши билан бирга, ўзига хос аҳамияти билан ҳам таърифланади.

Биласизки, авваллари назорат органлари, хусусан давлат солиқ органлари томонидан ўтказилаётган текширувлар тадбиркорлар учун кўп ноқулайликлар келтириб чиқарди. Текширувлар ҳар икки-уч йилда, баъзи вақтларда эса ҳар йили ҳам ўтказилар, бундай текширувлар ҳўжалик субъектларининг ортиқча вақтини олиб, ишдан чалғитишга, пировадда меҳнат самарадорлигини ҳам пасайтишга олиб келар эди.

Президентимизнинг мазкур Фармони бундай ҳолатларга чек қўйишга, текширишларни қисқартиришга ва тадбиркорлик ҳаракатига мақбул шароитлар яратишга қаратилган бўлиб, эндиликда тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти фақатгина солиқ органлари томонидан текширилиши, лекин бунда ҳам охириги текшириш ўтганига тўрт йил тўлмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар, бошқа тадбиркорлик субъектлари — ўч йил, янги ташкил топган субъектлар — икки йил давомида текширилмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш биналари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганлигинида қатъи назар уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ушбу тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилиши ҳамда ушбу ўтказилган текширишлар натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмида ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан ҳисоб қилинган устама ҳақини ҳам тўлаган тақдирда уларга nisбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги ҳам белгиланган.

Бугунги кунда республикаимизда амал қилаётган қонуний ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларидея режали ва режадан ташқари текширувлар ўтказилиши мумкин. Режали текширувлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланади ва бу ҳақда «Солиқ ва божона хабарлари» газетасида эълон қилинади. Режадан ташқари текширувлар фақат факулда ҳолатлар юзага келган ҳолда, жумладан

агарда ҳўжалик субъектлари томонидан қонун-қоидалар бузилиши аниқланганда, фуқаролардан шикоятлар тушганда ва улар бўйича чўқур таҳлил қилиниб, аниқ далилланган маълумотлар мавжуд бўлгандагина махсус ваколатли органларнинг рухсати билан ўтказилади.

Қолаверса, режали текширувлар ҳам ўз-ўзидан ўтказилмайди. Бу борада ҳўжалик субъектлари қайд этилган Фармон ва тегишли қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган муддатлар, мезонлар ва меъёрлар асосида режага киритилиб текширилади. Режали текширувларни ўтказиш учун субъектлар томонидан қонунчилик талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари юзга келса, тўлов интизомига риоя қилинмаса, муддати ўтган дебитор ва кредитор ҳамда меҳнат ҳақи бўйича қарзлар мавжуд бўлса, лицензия ёки бошқа рухсатномаларсиз фаолият юритилаётгани аниқланса, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида бюджетга ўтказмаслик ва шу каби бошқа қонунчилик ҳаракатлар кузатилса, бир йиллик текширувлар режа-ҳадвали лойиҳасига киритилади ва тасдиқлаш учун Республика Кенгашига тақдим этилади.

Шундай экан, агарда тадбиркорларимиз қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан четга чиқмай, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, хусусан, солиқ ва бошқа мажбуриятларини тўғри бажариб фаолият юритсалар, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига умуман аралашилмаслиги, яъни ҳеч қандай режали ёки режадан ташқари текширувлар ўтказилмаслиги ҳам мумкин.

Бизнес субъектлари ривожланишига оид татбиқ этилаётган Президентимиз Фармонининг асосий мақсди текширишларни тартибга солиб, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, тадбиркорлик субъектларидея текширувларни янада қисқартириш фаолиятларига асоссиз равишда аралашувларга йўл қўймаслик, тадбиркорликни барқарор ва изчил ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, хурматли тадбиркорларимизга мурожаат этиб, шуни таъкидламоқчимизки, сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз поймол қилинишига йўл қўйилмаслиги, изчил ривожланишига тўғрив бўлаётган ҳолатларни, айниқса қонунчилик аралашувларнинг олдини олиш учун барчамиз ҳамкорликда ҳаракат қилмоғимиз ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётига ўз хиссамизни қўйишимиз лозим. Фурсатдан фойдаланиб, бу борада Юнусобод тумани давлат солиқ инспекциясининг ишонч телефонларини маълум қиламиз: 135-53-60, 135-88-59, 135-89-86.

Муқооаза, муқооара

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР КЎПНИКИ КЎЛ

Ёшлигимизда кексалар ишқилиб ҳар банди мўминни қариганида ёрлақсин, дейишса, бу гапнинг маъносига унчалик тушунмай ҳайрон бўлардик. Бора-бора ёшимиз улғайиб, ҳаёнда кўрган-кечирганлиримиздан хулоса чиқариб, бу гапнинг маъзига тушуниб етдик. Мана ҳозир ўзим шу ҳолини бошдан кечириб ўтирибман.

Биламан, отанинг ўз пушти-камаридан бўлган фарзанди устидан шикоят қилиши қутулмаган ҳол. Хатто қўнғиз боласини оппорим, типратикон юмшоғим деб, эркалаб турганда, табиатнинг ноёб инъоми бўлмиш ақл-заковатли кекса бир инсоннинг бундай йўл тутиши бошқалар учун гаиртабиий туюлс керак. Лекин на иложки, мен шунга мажбурман.

Ўғлим Холиджон ҳозир Қўқонда яшайди. Хотини, иккита ёш боласидан кечиб, аллақандак толган бир аёл билан бинойидек ишини ташлаб Қўқонга кетиб қолган. Мана уч йилдики, дом-дараксиз. Келиним Хайрихон мен билан яшайди. Ўзи чевар, аллақайси тикувчилик корхонасида ишлайди. Болалари ҳали боғча ёшида. Тўрт кун келинимга қарамимиз. У яқинда эрини инсофга чақириб, болаларини эргаштириб Қўқонга бориб келди. Номард ўғил хатто болаларига эғилиб ҳам қарамабди. Бечора келиним борганига пушаймон бўлиб, йиғлаб-йиғлаб қайтди. Унинг бу ҳолатини кўриб юракларим эзилиб кетди. Ўзим ўғлимга бир неча бор хат ёздим. «Аҳволим оғир, келиб кўриб кет болам», деб ялиниб-ёлвордим, у келмади. Қарасам келинимнинг турмуши бўлмайдиган. Авви йўнаб-қуладиган даврда бечора ёш умрини ҳазон қилмасин, деган мақсадда ётиги чоралар:

—Болам, ихтиёрингиз ўзингизда, кўнгли буюрганини қилинг. Барибир шу ўй сизники, болаларингизники. Агар ҳолаксангиз ота-онанингизига бориб турсангиз ҳам майли. Балки, қайта турмуш қурарсиз,—десам келиним:

—Вой ота, сизни шу аҳволда ёлғиз қолдириб кетаманим, бу гапни бир айтдингиз, иккинчи марта озгингизга ола кўрманг,—деди.

Йиғлаб-йиғлаб дуо қилдим.

Туриб-туриб ўқсиб кетаман. Бировнинг боласи сени авайлаб-асраб, иссиқ-совуғиндан ҳабардор бўлса, сени ёлғизлатмай «отахонлаб» кўнглингни кўтариб турса-ю ўз ўглинг сенга қий боқмаса. Сенинг ногиронлигингни, кўнгли ўқсилгингнини била туриб, икки энлик хат ёзма, бу қандай адолатсизлиг-у бу қандай ота-бололик бўлди.

Бу хатни ёзишимдан мақсад, зора ўғлим кўпчилиكنинг таъзиқидан уялиб инсофга келса? Тошкентда уни қутиб турган ота, хотини, фарзандлари борлигини эсга оلسа. Ахир айтадилар-ку «Кўпники кўл» деб.

Асад КОДИРОВ

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС

Ака-ука Одил ва Кабирларнинг ораларидан қил ўтмасди. Ойилнинг фаришта-сарийшалари бўлмиш-ота-она вафотидан сўнг ака-укалар орасидан «мушук» ўтди. Икки метр жойинг нари-берисига бориб ёқа бўғишгача бориб етди. Шундай аҳил оилада юз берган бу воқеа ҳаммамизни ҳайратга солди. Ака-укани муросага келтириш мақсадида уч-тўртта фаоллар уларнинг хонадонига бордик.

—Ҳаммасига мана бу девор сабабчи,—деди катта ўғил Одилжон туюқиб.—Отамиз ҳаётигида ҳовли-жойимизни ажратиб берган. Мана бу ердан бўғиш укамники, қолгани меники. Лекин номард укам биз дам олишга кетсақ фурсатдан фойдаланиб ўртаимиздан мана бу деворни уриб олибди. Олдингиз яхши гапирдим. Ука дедим, ота-онамиз борида ҳовлимиз бир эди, шундай туравермайдими, ахир билган у дейди, билмаган бу десам у: «Ака ҳар қалай оилаларимиз катта. Шундай экан алоҳида-алоҳида яшаганимиз яхши. Шунда бола-чақалар ўртасида низо чикмайди» деди. Ҳўн бу тақлифинг яхши, дедим, лекин деворни нега чегарадан олмай, мен томонга икки метр ўтиб кетдинг, десам, «Чегара шу жой» деб қайсарлик қилиб туриб олди. Ҳозир бузасан. Мен айтган жойдан девор олсан, десам қўнмади. Эртасига ўзим одам олиб келиб деворни ўртадан қўнмади ташладим. Укам кўриб туриб индамади. Дам олиш кунни қишлоқдаги қариндошларнигизга тўйга кетдик. Эртасига келсан яна ўша жойда девор тикланибди. Шундан кейин асабим қўзиб кетди... Бор гап шу. Энди яхши келибсизлар, қайсар укамни ўзларингиз муросага келтиришарисиз бўлмайди.


Кабиржон билан учрашиб сўхбатлашдик. У бутун айбни акага ағдарди. «Агар булса мен деворни яна икки метр наридан девор олсам, акам шунга ҳам норози бўляпти. Шу ҳам ака-укачилик бўлдимми?»

Икки томон мутолқ тўнини тескари қийган. Унча-мунча гап-сўзга қулоқ солмасди. Орадан икки кун ўтиб, Одилжоннинг қон босими ошиб касалхонага тушиб қолганини ашитдик. Уни кўргани борсақ шифокорлар: «аҳоли оғир» деб олдиға қиритишмади. Бу касаллиكنинг сабаби ер мижараси эканлигини билиб, Кабиржонни ўртага олдик. Ер, мол давлат топилади, лекин жигар топилайди. Ука дарҳол акангдан узр сўра дедик.

Бу сафар Кабиржон маслаҳатимизга юрди. Акасидан кечирин сўраб эртасига кўпчилиكنинг маслаҳати билан ўртадаги деворни бузиб, акаси белгиланган жойдан қайта тиклади. Орадан ой ўтиб, Одилжон оёққа туриб кетди.

Ҳозир ака-ука аҳил ва иноқ. Қадим-қадимдан бизда «Етти ўлчаб, бир кес» деган мақол ҳўкм сўриб келди. Бу мақолнинг маъносини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Шундай экан, ҳар ишда шунга амал қилсақ, ўртадаги ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди.

Турғун ҒАНИЕВ



Оламда нима гап?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

●Чилида президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Сайловчиларнинг 82 фоиз овози ҳисоб-китоби голлиб-икки амалдаги сўл марказчилар коалицияси номзоди Мишель Бачалет қўлга киритганини курсатиб турибди. У сайловчиларнинг 45,8 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди. Сайловнинг иккинчи тури 15 январда бўлиб ўтади. Бачалетнинг сиёсий рақиб биричинчи турда 25,7 фоиз овоз олган, ўнг сиёсий қучлар номзоди Себастьян Пиньера бўлади. Агар Бачалет иккинчи турда галаба қозонадиган бўлса, у Чили тарихидаги биринчи аёл президент этиб сайланади.

●Интерпол ташкилоти БМТ билан биргаликда халқаро терроризмда гумон қилинаётган шахслар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатга 300дан ошдиқроқ шахс исмлари ва 10дан зиёд ташкилотлар киритилган. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош котиби «Ал-Қоида» ва «Толибон» каби гуруҳлар билан алоқадор бўлган шахслар ва гуруҳларга қарши курашишда Интерпол билан яқиндан ҳамкорлик қилишга чакриди.

●Россия президенти Владимир Путин ва Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингх Москвада мудофаа ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида бир неча шарҳнома имзолашди. Владимир Путиннинг сўзларига кўра, Россия Ҳиндистонга нефт ва газ етказиб бериш имкониятларини кенгайтириш ниятида. Бундан ташқари, Путин Ҳиндистоннинг ядро энер-

гетика соҳасида ҳам Россия етакчи ўринларни эгаллаш ниятида эканлигини билдирди.

●Халқаро Қизил кристалл тамғаси расмий муомалага киритилди. Швейцарияда 192 давлат вакиллари бу борадаги ҳужжатга имзо чекишди. Энди Халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой кўмитаси таркибига Қизил кристалл фаолият юритилади. Бу тамғанинг қабул қилинишига Исроил давлати Қизил Ҳоч кўмитасини тан олмаглиги сабаб бўлганлиги айтилмоқда.

●Чеченистон Хавфсизлик кенгаши бошлиғи Рудник Дудаев уйда рўй берган ёнғин туфайли ҳалок бўлди. Рудник Дудаев кўчма вагонли уйда истикомат қилар эди. Шу йилнинг 1 январда унинг аввалги уйи ҳам ёниб кетган эди. Айни дамда мутахассислар воқеалар жойида текширув ишларини олиб боришмоқда.

— Холита Йўлдошевна, суҳбатимизни бошқарманинг қандай қонунчилик ҳужжатлари асосида фаолият юриштиридан бошлаш.

— Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси «Узстандарт» агентлигининг 2002 йил 11 ноябрдаги 43-сонли буйруғига асосан тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Махсулотлар ва энгил матраларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат махсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли қарори билан тасдиқланган, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган «Узстандарт» агентлиги тўғрисидаги Низомга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сонли қарори билан тасдиқланган стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низомга асосан иш юрताди.

Бинобарин, бошқармамизнинг асосий мақсади стандартлаштириш, метрология ва махсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий ҳалқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек ҳалқаро стандартлардан фойдаланиш, Тошкент шаҳрида Республика манфаатлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш ва метрология соҳалари бўйича махсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминотини яхшилаш ишларини ҳар томонлама ривожлантириш, стандарт ва техникавий шартларда аҳоли соғлиғи, мол-мулки ва ҳаёти хавфсизлигини, атроф-муҳитни ва ресурсларни сақлаш, мослик, ўзаро алмашувчанлик ва там-ғалаш билан боғлиқ мажбурий талабларнинг тўғри қўйилиши устидан назорат қилиш, давлат ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сифатнинг давлат томонидан баҳо-ланиши ва назорати, махсулотларни биринчи навбатда стан-дартлаштириш ишларини ташкил қилиш, ўлчовлар бирлигини таъминлаш бўлиб, метрологик назорат ва стандартлар устидан давлат назорати ўтказишда ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан ўтказилаётган давлат назоратлари Назорат органларини мувофиқлаштириш

Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияси томонидан берилган режа-жадвалга асосан Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналарда стан-дартлар талаблари, ўлчов воситалари ҳолати ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан олиб борилади.

— Бошқарманинг назорат йўналишлари турли соҳаларга бўлинган бўлса керак?

— Шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармасида машинасозлик ва энгил санаят назорати бўлими, озиқ-овқат са-

тидан режа-жадвалга асосан давлат назоратини ўтказиш, завод ва корхоналарга метрология соҳаси бўйича ёрдам қўриштириш, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган озиқ-овқат, машинасозлик ва энгил санаят махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида ўлчаш воситалари билан таъминланганлиги ва уларнинг ҳолатини назорат қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш ишларини бажаради ва барча керакли кўрсатма ҳамда маслаҳатларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармонларнинг ишбилармонлар учун ижобий аҳамияти ҳақида, шунингдек тадбиркорлар олдида турган энг долзарб муаммоларни таҳлил этиш орқали улар фаолиятига ғов бўлаётган айрим тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ва ҳокимлик тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилиш, улар фаолияти тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 декабрдаги «Маҳалла хом ашё негизида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги 620-сонли қарори бўйича Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликларида бошқармаси мутахассислари иштирокida семинарлар, Тошкент шаҳрида жойлашган Маҳаллий хом ашё негизида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 82 та корхонада мониторинглар ўтказилиб, керакли маълумотлар берилмоқда, камчиликларни бартараф қилиш бўйича тушуниришлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳрида жойлашган деҳқон бозорлари раҳбарлари, бозордаги мутасадди ходимлари ва «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси раҳбарлари билан биргаликда деҳқон бозорларида тош ва тарозилардан қандай фойдаланиш, истеъмолчиларга қулайликлар яратиш, бозор ҳудудларида давлат қиёслаш кўригидан ўтказилган тош ва тарозилардан фойдаланишни назоратда ушлаш тўғрисида ўқув семинарлари ўтказилди.

Семинарда қатнашган бозор раҳбарлари ва Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда, Тошкент шаҳри ҳудудларида жойлашган бозорларда тош ва тарозиларни ўз вақтида давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш ҳамда савдо операцияларида фойдаланиш таъқиқланган қўл-бала тарози ва тарози тошларидан фойдаланмаслик бўйича режа-жадваллар тузилиди ва ишлар олиб боришмоқда.

Келгусида ҳам шу йўналишдаги фаолиятни фаол давом эттириб борамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

ЯНГИ ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукумати ва Япониянинг кичик миқёсдаги ижтимоий лойиҳалар асосида беғараз кўмак кўрсатиш бўйича грант-шартномалари имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалар барча жабҳалар каби таълим, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Поёнига етаётган 2005 — Сихат-саломатлик йилида Кунчикуриорт билан ҳамкорликда юрти-мизда тиббиёт ва таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга оид йигирмадан ортқ лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бундай хайрли ҳамкорлик қўлами янада кенгайди.

Янги лойиҳага кўра, Асака шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби, Тошкент Тиббиёт академиясининг Андижондаги филиали клиникаси, Фарғонадаги вилоят клиник касалонаси, пойтахтимиздаги Марказий шаҳар шифохонаси, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги болалар шифохонасига умумий миқдори салкам 412 минг долларлик грант ажратилди. Ушбу грант соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, мутахассислар малакасини ошириш каби эзгу мақсадларга йўналтирилди.

Тадбирда Япониянинг юртимиздаги Факултода ва Мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Назokat
УСМОНОВА,
ЎЗА

Истеъмолчилар манфаатлари — қонун ҳимоясида

МАХСУЛОТЛАР СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Маълумки, уларнинг туридан қатъи назар, ишлаб чиқарилаётган барча махсулотларнинг қабул қилинган стандартларга тўғри келиши ва сифати лозим даражада бўлиши маълум маънода соғлиғимизнинг гарови ҳамдир. Балки айрим ҳамшаҳарларимиз билмаслар, уч йилдан буён шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси айнан юқоридаги хайрли мақсадларни қўзлаган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бизнинг ушбу бошқарма бошлиғи Холита Бобохонова билан суҳбатимиз ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳаётида жуда муҳим ўрин тутувчи ушбу тизимнинг мақсад ва йўналишлари, фаолият доираси ҳамда ўтган даврда амалга оширган ишлари хусусида кечди.

ноати назорати бўлими, метрология ва аккредитланган сертификатлаш идоралари ва синов лабораториялари устидан назорат бўйича бўлимлар мавжуд.

Машинасозлик ва энгил санаят назорати бўлими ходимлари Тошкент шаҳрида жойлашган завод, катта ва кичик корхоналарда ва савдо дўконларида маиший техника махсулотларини устидан режа-жадвалга асосан давлат назоратини ўтказиш, завод ва корхоналарга методик ёрдам кўрсатиш, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган машинасозлик ва энгил санаят махсулотларининг давлат назорати давомида сифатини лабораторияларда таҳлил қилиш ва уларнинг метёрий ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва ишлаб чиқариш шароитларини назорат қилиш ишлари билан шугулланиди ва керакли кўрсатмаларни беради.

Озиқ-овқат санаяти назорати ходимлари шаҳардаги озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқарувчи ва савдо қилувчи корхоналар, тадбиркорлар устидан режа-жадвалга асосан давлат назоратини ўтказиш, хусусий тадбиркор ва корхоналарга методик ёрдам кўрсатиш, пахта ва чигит мавсумида уларнинг сифатини текшириш, лабораторияларда озиқ-овқат махсулотларининг сифатини таҳлил қилиш билан машғул бўлади ва аниқланган камчиликлар юзасидан керакли кўрсатмаларни беради.

Метрология бўлими Тошкент шаҳрида жойлашган завод, катта ва кичик корхоналарда ва савдо дўконларида маиший техника, озиқ-овқат махсулотлари ва энгил санаят махсулотлари ус-

Аккредитланган сертификатлаш идоралари ва синов лабораториялари устидан назорат бўйича бўлим ходимлари эса завод, катта ва кичик корхоналарда синов лабораторияларини ташкил қилиш, уларга методик ёрдам кўрсатиш ва лабораторияларини шаҳодатлаш ишлари билан шугулланади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, Тошкент шаҳар Савдо-санаят палатаси ва Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш бошқармалари билан биргаликда Тошкент шаҳрида жойлашган бозорлар, хусусий тадбиркорлар ва хусусий фирма дўконларида мониторинглар ўтказилади ва аниқланган камчиликлар асосан тадбиркорларга тушунириш ишлари олиб борилади, семинарлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор реформаларини чуқурлаштириш соҳасидаги ўстувор йўналишлар бажарилишини тезлаштириш ва келгусида иктисодини либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-3618-сонли, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини келгусида такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-3619-сонли ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-3665-сонли Фармонларининг бажарилиши юзасидан бошқарма томонидан ўқув семинарлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда

риш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги 620-сонли қарори бўйича Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликларида бошқармаси мутахассислари иштирокida семинарлар, Тошкент шаҳрида жойлашган Маҳаллий хом ашё негизида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 82 та корхонада мониторинглар ўтказилиб, керакли маълумотлар берилмоқда, камчиликларни бартараф қилиш бўйича тушуниришлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳрида жойлашган деҳқон бозорлари раҳбарлари, бозордаги мутасадди ходимлари ва «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси раҳбарлари билан биргаликда деҳқон бозорларида тош ва тарозилардан қандай фойдаланиш, истеъмолчиларга қулайликлар яратиш, бозор ҳудудларида давлат қиёслаш кўригидан ўтказилган тош ва тарозилардан фойдаланишни назоратда ушлаш тўғрисида ўқув семинарлари ўтказилди.

Семинарда қатнашган бозор раҳбарлари ва Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда, Тошкент шаҳри ҳудудларида жойлашган бозорларда тош ва тарозиларни ўз вақтида давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш ҳамда савдо операцияларида фойдаланиш таъқиқланган қўл-бала тарози ва тарози тошларидан фойдаланмаслик бўйича режа-жадваллар тузилиди ва ишлар олиб боришмоқда.

Келгусида ҳам шу йўналишдаги фаолиятни фаол давом эттириб борамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Тошкент Давлат цирки 2005 йил 28 декабрдан бошлаб 2006 йил 10 январга қадар **БОЛАЖОНЛАР, СЭЗААР УЧУНИ** **Мактаб йўналишларининг йилги таълим кўнралига** Тошкент шаҳрида **«КЎВНОК САЕХАТ ЕКИ ЯЛМОғИЗ КАМПИР ҚАРШИ» ЭРТАК-САРГУЗАШТИ**
Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрда соат 12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади. Чипталар цирк кассасида ва туман кассалари томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турли шаклда тўлашни мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ 2005 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ КУНИ АКЦИЈАДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛИШINI МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. КҮН ТАРТИБИГА ҚҮЙИДАГИ МАСАЛА КИРИТИЛГАН:
1. «Эски жува деҳқон бозори»нинг «ТИМ-2» савдо мажмуасида жойлашган 38 та савдо дўконларини биржа савдолари орқали сотиш ҳақида. Акциядорларни навбатдан ташқари умумий мажлиси жамият маъмурий биносида соат 11.00 да бошланади.
Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошлаб амалга оширилади. Бизнинг манзил: Шайхонтоҳур туман, Бозор майдони, 28-уй.
Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 19 декабрь ҳолати билан ёпилади.
Мурожаат учун телефонлар: 144-96-51, 42-17-12.
Жамият Кузатув Кенгаши.

Бир кун ер силкиниш ўчоғи, марказидан унча узок бўлмаган, аникроғи, Тахтаулдаги ҳаммаси дўст-биродарларимиз Фаридхон ва Ботиржон Тошмухамедовларнинг кекса оталари Шермат домла ва оналари Зухра Бувиляр яшаётган уйга бордик. Узро сўхбатимиз чоғида улар бизга қизиқ бир воқеани айтиб беришди. Яқинда Узок Ширкдаги ҳарбий қисмларнинг бирида йағлиқ бурчини адо этаётган кенжа ўғиллари Туйғун қисқа муддатли таътилга келибди. Бироқ, у жуда хомуш, камгап бўлиб, уйкусида алаҳсираб, дам-бадам ўрнидан туриб кетармиш, ховли девори яқинидаги аллақандай шарпаларга тикилиб: «Тўхта, отаман, тўхта!» дермиш.

Шу воқеа сабаб Туйғунни бир чеккага тортиб, уни гапга солдим. Билсам, Туйғун хизматдалик чоғида, тунда жанговар پوستда бир ўзи турганида у кўриқлаётган ўқ-дори омборига нияти бузуқ икки кимса кирмоқчи бўлишган. Лекин измида хушёр, сергак турган Туйғун «Чуварани хом санаган» бу жиноятчиларнинг режаларини усталик билан чиппака чикарган, уларни кўлга туширган. Шу кўрсатган жасорати эвазига кўмондонлик томонидан она юртига бориб келиш учун қисқа муддатли таътилга сазовор бўлган экан.

Шу воқеа баҳонасида «Хушёр йигит» деган мақолани қоралаб, уни Қозғистондан почта орқали «Оқшом»га жўнатдим. Қарабсизки, газетанинг 1966 йил 15 ноябрдаги сониде «Жанговар сафларда» рухни остида каттагина мақолам чиқиб турибди.

Шундай қилиб, «Тошкент оқшоми» газетаси, унинг ижодий жамоаси билан яқин ҳамкорлик қила бошладим. Газета таҳририятда фаолият кўрсатаётган ўз касбининг фидойилари, моҳир қаламкашлардан: Саъдулла Кароматов, Нўмон Раҳимжонов, Уткир Хошимов, Тўлқин Расулев, Носир Муҳаммад, Солиҳ Ёқубов, Муҳаммад Юсуф, Акмал Ақромов, Махмуд Комилжонов, Темир Убайдулло, Дилшод Исроилов ва бошқалар билан танишиб, жамоатчи мухбирлардан бирига айландим. Қизиқарли, доллар муаммоларини кўтариб кўп миң сонли ўқувчилар назарига тушган, тиниб-тинчимаса, серзаҳмат, серҳикмат жамоатчи мухбирлардан Шорасул Зунун, Зикрилла Эгамбердиев, Карим Махмудов, Билал Аминов сингари улуг ва табаррук зотлар билан танишиб, ижодий мулоқотда бўлдим, маслаҳатларини олдим, кам бўлмадим.

Шуни ҳеч муболағасиз айтишим жоизки, ҳарбий хизматим тақозоси билан Ўзбекистондан қанча узокда бўлмай, «Тошкент оқшоми» газетаси орқали она юртим, халқим нафаси, меҳри, сеҳри ҳароратини шунча яқин ҳис қилиб турдим, ўзимни эзгуликка чоғладим. Хизмат қилаётган манзилларим қаерда бўлиши, у Қозғистондами, Туркманистондами, Германиядами, қатъи назар, ҳар йили албатта «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари, «Ғунча», «Гулкан», «Мўштун» журналларига обуна бўлардим. Бу сеvimли нашрлар гўё оилам аъзоларидек азиз ва қадрдон эди.

Sevimли газетамиз билан боғлиқ яна бир унутилмас воқеа 1983 йили бўлган. Тошкент шаҳри асос солинганлигининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан газетам «Тошкент таронаси» кўрик танловига эълон қилинди. Бахтимни синаб кўришга имкон яратилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби раҳматли Неъматжон Қулабдуллаев жонимга оро кирдилар. У киши менинг «Ассалом Тошкентим» деган шеъримга ажойиб куй басталадилар. Қўшиқ матни унинг нотаси билан «Оқшом»да эълон қилинди. Кейинчалик бу қўшиқни Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Эрқуловалар маромига етказиб қўйлашди, оҳанграбо тасмаларига ёздирди. Мана, орадан қарийиб чорак асрдан зийд вақт ўтдики, яратган кўшигимиз ҳамон ўз тароватини йўқотмади, телекўрсатув ва радио тўлқинлари дастурида баралла янграмоқда.

Бу ҳақда «Тошкент оқшоми» газетасининг 2001 йил 25 апрель сониде «Бир

асар тарихи» рухни остида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубовнинг катта сўхбати чоп этилган.

Шуни алоҳида мамнуният ва ифтихор билан таъкидламоқчиманки, «Тошкент оқшоми» газетаси ижодий жамоаси билан ҳамкорлигим қаламимни чархлади, янги янги марраларга етказди. Нагажанда, 20 дан зийд ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги насрий ва назмий асарларим тўпلام ҳолида чоп этилди, 50 дан ортик шеърларим таниқли хонанда, бастакорлар, ижодий-бадий жамоалар эътиборига тушди, қўшиқ шайдоларининг маънавий мулкига айланди, республика аҳамиятига молик улуг байрам тантаналари, телекўрсатувлар, радио тўлқинлари дастурида ян-

Кучғувчи яна кўп шон, зафар ўғли, Заҳматли ишбоши «Тошкент оқшоми»

Мен учун сув, ҳаво, асалсан, қандсан, Ўғлимдай, қизимдай суюқ фарзандсан, Искандар дилига меҳри пайвандсан, Қондошим, жондошим

«Тошкент оқшоми»,
«Тошкент оқшоми»,
«Тошкент оқшоми»,
Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси.

Биласизми, асалари меҳнатсевар, заҳматкаш жонивор. Бепеён кир, дала, тоғу-тошлар узра кезиб, ранг-баранг гуллар косасига шўнғиб бол йиғади. Йўлларда адашмай инига келиб асалини тўқади. «Тошкент оқшоми» газета таҳририятини ўша инга, муаллифларини эса асаларига ўхшатаман. Зукко ходимлар «асалари»ларнинг махсулларини қалб элагидан ўтказиб, газета орқали элга манзур қилдилар.

Мен шу газетанинг дастлабки сонлари чика бошлаганданок бир газетхон сифатида ундан руҳий озуқа ола бошладим, шингил хикояларим билан қатнашдим. Буларнинг ҳаммаси кейинги ижодий ишларимга ижобий таъсир қилди. Ҳақиқатни ёзишга ундади. Ўша вақтда ахлоқ ва одоб бўлимини бошқараётган Тўлқин Расулев билан (охирати обод бўлин) таҳририятдан чиқиб, Чорсуга бордик. Бир милиционер олдимиздан ўтиб

кетган аёлининг йўлини тўсди:
— Борзда нон сотиш тақиқланган-ку. Қани буюкка юр, — милиционер жаҳл билан аёлининг қўлидаги нон тўла сумкани силтаб, тортиб олган эдикки, битта нон ифлос ариқча тушди.

Бу ҳолдан Тўлқин ақанинг қалби ларзага келди.
— Ҳой бирордан, аввал нонни ариқдан ол. Тозалаб кўзиниға сурт. Бўлмасам идоранга холадан олдин сени бошлаб бораман,— деди.

Кейин билсам аввалига «нима ишинг бор» деб гердайган милиционер нон-иймон олдаида бош эгган экан.

Тўлқин ақанинг бу каби кўнгилсиз воқеаларни кўзлари билан кўриб ёзган жозибали ибратомуз мақолаларини ўқиб, кўп маънолар олганман.

Шунингдек газетанинг дастлабки йиллардаги «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» рукинда материаллар бериб борган Ш.Зунун (Оқшомий) ва шифокор ёзувчи Зикрилла Эгамбердиевларнинг ширинсонхан сўзлари эслаб, обод боғига кириб қолгандек бўламан.

Газетанинг адабиёт бўлимини кўп йил бошқарган Уткир Хошимов баҳор пайтида жамоа ҳўжалигидаги боғимизни айланб, дафтар ва қаламасиз хаёл билан иход қилганини кўп қўрганман. Бир келганда аҳли аёлим тоқлар ёнидаги ўтларни ўраётган экан.

—Онажон, ўрогингизни бериб туринг,— дея ўроқни олади-да, ўзини ўроқчидек хис қилиб, ўт ўрди. Уроқни санчиб, хаёлга толади... Сўлим табиатдан илҳом олади. Менга яқин келиб, «боғни тарк этманг, тагини қавлаверинг», деганида қанчалар маъно борлигини кейин билдим.

2005 йил мен учун бахтли йил бўлди.

«Охират сандиғи» китобим нашр қилинди. Sevimли ёзувчимиз Уткир Хошимовнинг китобимга ёзган сўзбошидаги «АБ-дугани ака ҳеч қанча ёзувчиликни даъво қилган эмас... Ёзувчи бу асарларини ичдан тўқиб чиқарган эмас. Назаримда улардан ер нафаси уфуриб туради...» дегани рост. Кўнглимдаги гап. Китобга кирган 180 та катра ва шингил хикояларнинг кўпи Тўлқин Расулев, Ўнасриддин Муҳаммадиев, Темир Убайдулло, Дилором Икромиева ва бошқа талантли қаламкаш ходимларнинг таҳлилатидан ўтиб, «Тошкент оқшоми»да босилган.

Менга ҳам руҳий, ҳам ижодий озуқа берган улуг воситачи «Тошкент оқшоми»дан бир умр миннатдорман.

Ғани АБДУЛЛАЕВ, боғбон.

Чинар, тақдирлар

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЭСДАЛИКЛАР, ХОТИРАЛАР

Ўдимда, 1966 йилнинг апрель ойи охирлари эди. Қозғистоннинг ўша пайтларда оламага машҳур сирли музофотларидан бирида ҳарбий хизматда эдим. «Тошкентда кучли зилзила бўлиб, ҳаммаёқни ер ютибди» деган ваҳимали, нохуш хабар тарқалди. Бунинг устига Тошкентга симо қоқиб, қариндош-уруғлардан хол-аҳвол сўраш амримаҳол, алоқа узилган эди. Она дийрдан узокда, мусофирликда турли хаёлларга бориб, қаттиқ ташвиш, саросимага тушдик албатта. Бироқ, мусофирликда ортирган ёру биродарларимиз, кўмондонликнинг ғамхўрлиги, меҳр-муруввати туйғайли меҳнат таътили олиб, уч-тўрт кун ўтмаёқ, жонажон Тошкентга етиб келдик. Поезддан тушишимиз биланок, таксида шаҳар кўчаларини айландик. Уй-жойларнинг бироз дарз кетган бўлса-да, бутунлиги, қариндош-уруғларимизнинг эсон-омонлигини кўриб, анча тинчландик.

рамоқда. Айниқса кўпчилик бўлиб, биргаликда сафда айтаётганда қўшиқ, маршларим ҳарбийлар ўртасида оқмолашиб кетди. Ижодий изланишларим самараси ўларок, 1995 йилда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси лауреати, 1993 йили «Соғлом авлод учун» республика кўрик-танлови, ҳар йили ўтказиладиган «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Аскар кўшиқлари» фестиваллари совриндори, 1995 ва 2004 йиллари эса «Тошкент оқшоми» газетасининг ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги кўриқлари ғолиби бўлдим. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари аъзолигига қабул қилиндим. Буларнинг барчаси менинг зимамга жуда катта масъулиятлар юклайди, албатта. Халқимизда: «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер», деган доно мақол бор. Мақоламини қирчиллама қирқ ёшга кириб, камолот камарини белига маҳкам боғлаган, эл-юрт хизматида бўлиб қандини ураётган қирқ йиллик қадрдоним, ҳамкорим «Тошкент оқшоми» газетаси, унинг фидойи жамоасига чин дилдан самимий таъзимини ушбу шеър билан муҳтасар қилмоқчиман:

**Эл ичра мўстабар, ардоқли номи,
Булоқдай қайнаган завқи, илҳом,
Ҳар сони ҳаётнинг лиммо-лим жоми,
Эзгулик йўлдоши «Тошкент оқшоми».**

**Минглаб уй, хонадон азиз меҳмони,
Дардига малҳами, дори-дармони,
Ҳақиқат жарчиси, содиқ посбони,
Энг яқин сирдоши «Тошкент оқшоми».**

**Саҳифанг сатҳида ойна мисол,
Ҳар ким ўз ақини қўрар бемалол,
Нишонга теккувчи аниқ, безавол,
Ҳар битта ўқ, тоши «Тошкент оқшоми».**

**Одобу-ахлоқ ва малаҳат боби,
Жавохир сандиғи, нур, бахт китоби,
Меҳр ва шафқатнинг янғроқ рубоби,
Ҳеч сўнмас қўёши «Тошкент оқшоми».**

**Пойтахтим яна ҳам бўлсин соф, қўркам,
Ҳар кўча, хиёбон гулзор, боғ, шинам,
Ўтсин тинч ва ичкам барча тўй-ҳашам.
Дер толмас Тўйбоши «Тошкент оқшоми».**

**Қундан кун ёркинроқ бўлсин қиёфанг,
Қилни қирқ ёролсин ҳар хабар, лавҳанг,
Товусдай товлансин расминг, сарлаваханг,
Чик жўшиб ва тошиб «Тошкент оқшоми».**

**Навқирон шаҳрининг жанговар ўғли,
Улкан, зўр ишларга сафарбар ўғли,**

Шарқ дурдоналари



● Икки нимарса кўнглини фасода элтур: бири — тўла емок, бири — тўла уй-қуламок.

● Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ғам ўтида ёндирди. Араблар бировни бахилликда айб-ламоқчи бўлсалар, уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исми киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, Бани Билал қавми орасида Нодир исми киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар кун ўз туяларини сўғориш учун қудудан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб сўғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтиб олиб далага селиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қўяр экан. У ҳар кун шу одатини тақорлашини қўймак экан. Унинг яна бир қилиғи бўлиб, туялар тезагини тепалаб, тупроққа аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишини хоҳламас экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишарди. Ўшандан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолди.

● Бахил одамга ҳамма одам ёмон бўлиб кўринади.

**Бахил учун дунёда роҳат йўқ,
Бахилнинг ўз дарди ўзига етади.**

Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Юзинг қора бўлса айб эмас юрагинг қора бўлмасин.

Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғриғига учрамайди.

● Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсақ уради.

Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

Бахил одам йўлдош бўлмайди: борди-ю йўлдош бўлиб қолса қорни шишиб ўлади.

● Бир подшо рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимга қараб: «Бир сирин бор, аёёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмапти, уни сенга айт-моқчиман!» — деди. Рикобдор унга:

**Жоним таним ичра бор экан пинҳон,
Сиринг жоним ичра яширин мудом,
— деб жавоб берибди. Подшо унга: «Акамдан ҳафдаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташла-моқчиман!» — деди.**

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафоллик рақамини чекиб, унинг акаси олдиға етиб борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшонинг акаси вақтида чора-тадбирни кўриб қочиб қутулди.


Спорт

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ИККИНЧИ ЎРИНДА


Кейинги йилларда ёшларимиз орасида спортнинг таэквондо турига қизиқиш ортиб бораётганлигини турли хил турнирларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг эришган муваффақиятлардан ҳам пайқаб олиш қийин эмас.

Куни кеча Москва шаҳрида уюштирилган таэквондо бўйича МДХ мамлакатлари Кубоги мусобақаларида ўзбекистонлик спортчилар томонидан қўлга киритилган аjoyиб натижа юқоридаги фикримизни аққол исботлайди. Эътиборли томони шундаки, 15 мамлакатдан ташриф буюрган таэквондо усталари билан ўзаро беллашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ўринни эса 400 нафар таэквондочи билан қатнашган Россия терма жамоаси эгаллаган бўлса-да, мутахассислар мухлислар масоғи ҳамда тил баҳсларида иккитадан олтин медални қўлга киритган Акмал Рўзиев, Баҳодир Мукаррамов, кумуш медал эгаси Сардор Саидовлар маҳоратига тан беришди. Шунингдек, яна бир ўзбекистонлик спортчи Хушвақт Музаффаровнинг масоғида биринчи, тил баҳсларида учинчи ўринни қўлга киритганлиги юртимизда таэквондо жадал суръатда таравнаётганлигини исботлайди.

(Ўз мухбиримиз)



Илгари хабар берганимиздек, шаҳримиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида шарқ яккакурашлари ва жанговар санъатларнинг I республика фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда расман рўйхатдан ўтган ўнта федерация ва-



киллари ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.
СУРАТЛАРДА: фестивалнинг ҳаяжонли лаҳзаларидан лавҳалар.

Михаил Якубов олган суратлар

ОММАВИЙЛИК — МУҲИМ НАТИЖА

Меҳнаткашларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, меҳнат ва ўқув жамоаларида спортнинг оммавийлигини ошириш, маҳоратли спортчиларни етиштиришда мусобақалар муҳим синов, ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди.

Бу борада Тошкент шаҳар касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгаши томонидан муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Олимпия захираларини тайёрлашга ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчилари ўртасида спортнинг қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда, ёш умидли спортчиларимиз мамлакат ва халқро миқёсдаги баҳсларда муносиб иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон биринчилигида Валижон Жонхўрозов 66 килограмм вазнда голиб чиққан бўлса, Зиёдулла Абдуллаев эса шу вазнда фахрли учинчи ўринга сазовор бўлди. Францияда сузиш турлари бўйича ўтказилган халқро мусобақада Ольга Гнедовская икки мартаба фахрли учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоғининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган босқичида Рита Алимова яхши иштирок этди ва умидли спортчилардан эканлигини кўрсатди. Спорт гимнастикаси бўйича Германияда ўтказилган халқро турнирда юксак маҳорати билан бирга метиндек иродаси билан ҳам жаҳонга танилган машҳур спортчи Оксана Чусовитина сакраш баҳсларида биринчи ўринни эгаллаб, галаба қозонди.

Хитой пойтахти — Пекин шаҳрида 800 килограмм вазнда қатнашган Жасур Матчинов фахрли учинчи ўринни эгаллаб бронза медални соҳиби бўлди.

Спортнинг оммавийлиги соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга хизмат қилиши билан биргаликда маҳоратнинг ўсишига ҳам ёрдам беради. Ўзбекистон касабга уюшмалари "Саломатлик" спартакиадасининг Тошкент шаҳар босқичи бўйича финал мусобақалари қизиқарли ва кескин баҳсларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Тармоқ касабга уюшмалари шаҳар ташкилотларининг спорт жамоалари беллашуларда фаол қатнашиб, нима-ларга қодир эканликларини намойиш этдилар.

Кизлар ўртасида волейбол баҳсларида Қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Тош-

кент шаҳар вакилиги бўйича жамоаси биринчи, Енгил ва мебел саноти ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси фахрли иккинчи, "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси учинчи ўринларни эгалладилар.

Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақаларда "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши зафар қозониб, агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгашининг жамоаси иккинчи, В.Чалов номидаги "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖ нинг жамоаси учинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Эркаклар ўртасида кураш баҳсларида полвонлар қўларини намойиш этиб, "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши жамоаси галаба қозониб, В.П. Чалов номидаги "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖ ҳамда Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касабга уюшма кенгашининг жамоаси иккинчи, учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

"Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" шiori остида кенган оилавий беллашулар ҳар доимидек қизиқарли, ҳаяжонли тарзда ўтиб, барчага бир олам завқ-шавқ ҳадя этди.

Оилавий беллашуларда автотранспортчилар жамоаси зафар кучиб, агросаноатчилар ҳамда "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши жамоалари ҳурмат шохсупасининг иккинчи, учинчи поғоналарга кўтарилидилар.

Енгил атлетика бўйича баҳсларда агросаноатчилар жамоаси тенгсиз эканлигини кўрсатиб, Енгил ва мебел саноти ҳамда Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши жамоаси иккинчи, "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши жамоаси учинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Эркаклар ўртасида тош кўтариш бўйича беллашуларда тавлим ва фан ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши жамоаси голиб чи-

қиб "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши, Енгил ва мебел саноти ҳамда Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши жамоалари совринли ўринларга эришдилар.

Умумжамоа ҳисобида "Ўзметмашсаноат" касабга уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши жамоаси республика "Саломатлик" спартакиадасининг Тошкент шаҳар босқичи финал мусобақасида галаба қозониб, Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши жамоаси фахрли иккинчи, Енгил ва мебел саноти ҳамда Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши жамоаси учинчи ўринларни эгалладилар. Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон касабга уюшмалари "Саломатлик" спартакиадасининг финал босқичида Тошкент шаҳар касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, спортнинг қатор турлари бўйича голибликни ҳамда фахрли ўринларни қўлга киритди.

Жумладан, волейбол баҳсларида аёллар жамоаси чиройли ўйинлар кўрсатиб спартакиада голиби деган номга муяссар бўлди.

Тош кўтариш бўйича беллашуларда 80 килограммгача бўлган вазнда Владимир Бекбулатов, кураш мусобақасида 66 килограммгача вазнда майдонга чиққан полвонимиз Тимур Муҳаммаджонов биринчи ўринни эгаллаб зафар қозондилар.

Енгил атлетика бўйича 800 метрга, 100 метрга югуриш, баландликка сакраш, граната улоқтириш баҳсларида маҳоратини намойиш этган Софья Кабанова галаба қозониб, ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасини ҳамда жамоадошлари Марина Курочкина, Дилшод Нортोजиев эса фахрли учинчи ўринларни эгалладилар.

Стол тенниси бўйича баҳслар ҳам қизгин тус олиб, вакилларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Эришилган галаба, кўрсатилган юқори натижа билан биргаликда маҳоратли спортчиларнинг қўплаб етишиб чиқаётганлиги, соғлом турмуш тарзининг қамол топиши учун спортнинг янада оммавийлашиб бораётганлиги эътиборга лойиқ муҳим кўрсаткич десак янглишмаймиз.

Сайдаммурид ЯҚЎБЕВ,
Тошкент шаҳар касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгашининг раиси

Мунажжим башорати

ҚАРЗ ОЛИБ, ҚАРЗ БЕРМАНГ

20 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА
Умуман олганда, бу галги сешанба ёқимли кунлардан бири, дейиш мумкин. Бугун рўзгор муаммолари билан фал шугулланиш тавсия этилмайди. Хужжатларга имзо чекиш, янги танишулардан ҳам тийилиб туриш керак. Бундай танишув оқибатлари аянчли бўлиши мумкин. Мулоқотларда эҳтиёткор бўлинг, зиммангизга мажбуриятлар олманг, бирва-

ларга ваъда ҳам берманг. Қарз олиш ёки қарзга пул беришдан ўзингизни тийшингиз маслаҳат берилди. Мунажжимлардан бошқалари бугунги кунни уйлари кутариш, хоналарга исирик солиб, барча ноҳуз нарсалардан халос бўлиш кунини деб тавсифлашган. Табиатини инфолиантириш, сувга ахлат ёки турли чиқиндиларни ташлаш мумкин эмас. Шу кунни тўйларни ўтказиш, уй қурилишини бошлаш хайрли бўлиши кутулади.

Мунажжим Лидия Неведомская бугун кеча ёки ўтган кунни бошларини ишларингизни бемалол да-

вом эттиришингиз мумкин, дея маслаҳат беради. Куйи тақвими бўйича бешинчи кун бўлган бугунги кунни узоқ мuddатли шартномаларни тузиш, хонаки ўсимликлар ва уй ҳайвонларини парвартириш, шунингдек, техникавий ва бадий ижодга бағишлаш мақсада мувофиқдир.

Кийимлардан заргалдоқдор ва қумушранг либослар омадли бўлиши кутулади. Қора ва қўқ рангли либосларингизни нарироқ суриб қўя туринг.

БУГУН:
— хар қандай янги ишни бош-

лаш;
— ёмон одатлардан халос бўлиш, ўз характерингиздаги салбий жиҳатларни намoён этмаслик;

— ташқи қиёфанигизга эътибор қилиб, имижингизни яхшилаш;
— маъмурий фаолият билан, ташкилий ишлар билан машғул бўлиш;

— бошлиқлар билан учрашиш, талантли кишилар билан мулоқотда бўлиш;
— ўзингизни мамнун этиш учун озроқ маблағ сарфлашга йул қўйиш;
— театр премьераларга, тақдиротлар, санъат асарлари кўргазмаларига бориш тавсия қилинади.

Кўп остингизда ишлаётганлар, ҳамкасбларингиз ва қариндош-уруғларингиз маслаҳатларига қулоқ тутиш, тежаб-тергашга интилишни маслаҳат бермаймиз.

Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан Азизов Улугбек Муратбекович номига чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун 2003 йил 24 апрелда 1756-00-ББ (ББ № 006966) рўйхат рақами билан берилган рўхсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари
Анвар Аҳметович РАҲИМБЕРДИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» НМАК жамоаси иқтисод бўлими бошлиғи Жасур Абдуллажонович Раҳмоновга падари бузруквор
Абдуллажон отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» НМАК, меҳнат жамоаси компанияда узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийси
Абдуллажон ота РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 21 декабрда чиқади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хаттар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-37-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ ефсет усулида босилади.
2495 нусхала босилди. Қого бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтабинти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» ношриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.